



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (11.548)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
2009

8 декабрь –
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси қабул
қилинган кун

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишни таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратлади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 4-модда)

Унда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг куч-қудрати ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, тинчлик ва тотувлик жамиятимиздаги меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳити муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари тили ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш масалаларига улкан эътибор берилмаётган.

Бугунги кунда юртимизда бир юз элликка яқин миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Бир оила фарзандларидек истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари урф-одат ва анъаналари, қадриятларини асраб-авайлаш, янада раванқ топтириш, ёш авлодни эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашга, уларда фаол фуқаролик позициясини қарор топтиришга ушбу марказлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган.

Анжуманда Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз, виждон эркинлигининг конституциявий асослари, миллатлараро тотувлик ва диний бағри-



Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган «Истиқлол: ислохотлар моҳияти, тараққиёт ва демократия» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

кенглик, Ўзбекистон Конституцияси – диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик таъминлигининг кафолати каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шу кунги Алишер Навоий номида Катта театрида «Ўзбекистон – умумий уйимиз!» фестивали бўлиб ўтди. Унда санъат усталари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг концерт дастури ҳамда тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси намойиш этилди.

Фестивалнинг очилишида кўпмиллатли мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида барча миллат ва элат вакиллари фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Бу жиҳатлар маданият, санъат, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам ўз таъдигини топмоқда. Зеро, баркамол

инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг қадриятлари, аҳамияти шу табаррук дидоримиз – Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган, уни ўз Ватани деб биладиган ҳар бир фуқарога дахлдордир.

Ўзбекистонда ўсиб улғайдим, таълим олдим, касб-хунар эгалладим, оилани бўлдим, ижодкор сифатида элга танилдим, – дейди мусаввир Светлана Цой. – Шу азиз замин мен учун муқаддас юрт, жонажон Ватандир. Шундай экан, азиз Ватанимизни асраб-авайлаш, шон-шухратини оширишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
А. Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Париж шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ва ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Франция астрономик жамияти ва Париж астрофизика институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Улуғ алломанинг илмий меросига бағишланган халқаро конференцияда кўплаб хорижий мамлакатлардан олим ва мутахассислар, Париждаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Мингдан зиёд юлдуз ҳаракатининг астрономик жадвали – Зиж Кўрагонийни ярат-

УЛУҒ БОБОМИЗ МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

ган, расадхона ва мадрасалар бунёд этган Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1994 йил «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилиниб, аллома таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда, жумладан, ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида кенг нишонланган эди.

Конференцияда буюк бобомиз Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг турли жиҳатларига, жумладан, Зиж Кўрагонийнинг жаҳон илм-фани ривожига тутган ўрни, Европада буюк алломанинг илмий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, Мирзо Улуғбек давридаги таълим тизими ҳамда мутафаккирнинг ҳаётига доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Ўзбекистонда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Мирзо Улуғбек фаолиятининг барча жиҳатларини, илмий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар қилинган ва бу жараён изчил давом этаётгани қайд этилди.

Парижда ўтган мазкур нуфузли анжуман жаҳон миқёсда, жумладан, Европада, буюк бобомиз Мирзо Улуғбекнинг илмий ва маънавий меросига қизиқиш ғоят катта эканлигини яна бир бор намойён этди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти директори Ш.Эгамбердиев. – Бу мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг юксак самараларидандир.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукус шаҳрида ёш тадбиркорлар ўртасида ўтказилаётган «Ёш тадбиркор – элга мададкор» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан 30 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди.

• Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида 2010-2011 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма ярмаркаси ва «Китоб байрами» бошланди.

• Ўзбекистонда Ҳиндистон кунлари муносабати билан Навоийга Ҳиндистон маданият ва санъат намояндлари делегацияси ташриф буюрди. Хусусан, «Фарҳод» маданият саройида Ҳиндистонлик мусиқачилар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида ҳамкорликдаги катта ижодий кеча бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида «Ёшлар – ОИТСга қарши» мавзуида республика семинари ташкил этилди.

• Жиззах шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 65 та корхона ва ташкилот 200 га яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбирда асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар иштирок этиб, шу кун уларнинг 112 нафари ишга йўлланма олди. 78 нафар ишсиз фуқаро эса ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди.

• Гулистон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника оилавий поликлиникалар жамоалари ўртасида ташкил этилган республика танловида биринчи ўринни эгаллади.

ЖАҲОНДА

• Бугун Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда Лиссабон шартномаси кучга кирди.

• Кеча Беларуссия ва Италия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро битим имзоланди.

• Жаҳон бозорларида олтин нархи сезиларли даражада ўзгарди. Жумладан, Гонконг биржасида кун давомида бир унция олтин нархи 40 долларгача тушиб кетган бўлса, АҚШ биржаларида ҳам қарийб 30 долларлик пасайиш қайд этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири доллар қийматининг еврога нисбатан қисман бўлса-да ошганидир.

• Кеча Болгариядаги «София-Бургас» тейзорар поездида кучли ёнгин чиқди. Йўловчилар зудлик билан эвакуация қилинди. Ҳозирча жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

• Россияда нефть ва нефть маҳсулотлари учун экспорт божлари оширилди.

• Кеча Саудия Арабистонидан Шимолий Америкага йўл олган, 20 миллион долларлик нефть ортилган Грециянинг йирик танкери сомалилик қароқчилар томонидан қўлга олинди.

• Кеча Чад давлатида инсонпарварлик ташкилоти ходимлари ҳисобланмиш уч нафар француз фуқароси номаълум кишилар томонидан ўғирланди.

• Ҳиндистондаги «Кайга» атом электр станциясининг 55 нафар ходими радиактив сув билан захарланган. Гап шундаки, улар станцияда ўзлари билмаган ҳолда таркибида захарли кимёвий модда бўлган сувни истеъмол қилишган. Барча беморлар касалхонага ётқизилган.

• Сўнги маълумотларга кўра, «Нева экспресси» тейзорар поездининг ҳалокатга учраши натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони 26 кишига етди, икки йўловчи эса бедарак йўқолган.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

Бугун



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг

иккинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг



ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ –
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг

учинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Парида Абдухаирова Парманова 1954 йилда туғилган. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Учтепа тумани 4-Шодлик сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.



Парида Парманова, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловларга қисқа вақт қолди. Навбатдаги сайлов кампанияси кўп жihatдан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқаруви» янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий Қонуни аниқ йўналишларда рўбга чиқариши билан авалгиликларидан фарқ қилади. Айтиш жоизки, ушбу қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Сўнги йилларда фуқароларнинг овози ва дунёқарашининг ўзгариши, бунга ислохотларнинг чуқурлаштирилиши, мулкдорлар синфининг ривожланиши, сиёсий партияларга қатор имкониятлар берилиши ва демократиянинг турмуш тарзимида кенг қўл очиб берилиши билан боғлиқ янги ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ислохотларни чуқурлаштириш ва демократик жараёнларни амалга ошириш борасидаги ислохотларда фаол иштирок этиб келаётган.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам ўтган давр мобайнида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат бошқаруви» янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлар, бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, партиянинг Низоми талаблари доирасида ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши белгиланган ҳаракат дастури, қарорлари, ишлаб чиқилган режалари асосида олиб боради.

Мазкур вақт мобайнида партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ўзининг асосий эътиборини партиянинг жамиятдаги мавқеини кўтариши, аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ва шу орқали уларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашга қаратиб келди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши партия умумий фаолиятида салоҳиятли ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳар қандай сиёсий партиянинг асосий кучи — бу унинг аъзолари сони, тадбирлари савияси ва унга аҳолини сафарбар эта олиши, аъзолик бадалларини тўлаши, партия аъзоларининг фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ. Биз ўз фаолиятимиз давомида ушбу йўналишларда бир қатор ютуқларга эришдик. Тошкент шаҳар партия ташкилоти ўзининг ва бошқа вилоят партия ташкилотларининг тажрибасини ўрганган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради, турли тадбирлар ўтказди. Хусусан, Самарқанд, Тошкент вилоятлари партия Кенгашлари билан тажриба алмашиш яхши аънаъна кирди.

Партия Кенгаши фаолияти Тошкент шаҳар ҳудудида мустақиллик ва демократия госясига, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга, қонун ва адолат, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат туйғуларини эъозлашга кўпроқ йўналтирилди. Натияжада шахримизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз ўрнига эга бўлди. Қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида ташкилий-партиявий ишлар савияси ва кўлами ўси, ту-

ман партия Кенгашлари ташкилий жиҳатдан мустақамланди. Тошкент шаҳрида партиянинг нуфузи ортиб бораётганлигига аъзоларнинг сони кўпаяётганлиги далилдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳозирги кунга келиб ўз сафлари аъзоларини Тошкент шаҳрининг 11 та туманидаги аҳоли яшаш жойларида 150 та бошланғич ташкилотга жамлаган. 2009 йил 1 сентябрга келиб Тошкент шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари 3500 нафарга етди. Сиёсий-маърифий ва тарғибот тадбирларининг мазмуни бойида, саломоғи ва таъсирчанлиги ошди. «Адолат» СДП Тошкент шаҳар ташкилотлари томонидан 2005-2008 йиллар давомида 1000 га яқин тадбирлар ўтказилган бўлса, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида 400 тадбир ўтказилди. Пойтахтимизда партия мавқеини оширишда Сергели, Юнусобод, Собир Раҳимов, Бектемир, Миробод туман партия Кенгашларини фаол деб белгиласа бўлади.

Партия аъзоларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларда фаолият юритади. Шаҳар депутатлари саъй-ҳаракатлари билан

жон Исамиддинов, Жавдатхон Иноғомов, Тоспулат Матибаевлар ўз фаолиги билан ажралиб туради.

Партия фаолиятида сиёсий ўқиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, ушбу давр мобайнида нафақат партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раислари томонидан, балки фаол аъзоларининг ташаббуси ва ташкилотчилиги остида сиёсий ўқув машғулоти ўтказилди. Улар орасида партиявий фаоли Жавдат Иноғомов томонидан Тошкент шаҳар, туман Кенгашлари раислари, «Ёш адолатчилар Кенгаши» ва «Хотин-қизлар клуби» учун уюштирилган икки кунлик семинар-тренинг диққатга сазовордир. Шу қаторда Тошкент шаҳар партия ташкилоти аъзолари Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар Ахборот-таҳлил маркази томонидан уюштирилган бир қатор семинар-тренингларда ҳам иштирок этиб келишди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар Ахборот-таҳлил маркази томонидан ҳафтасига икки-уч мартаба ташкиллаштирилган семинарлар ҳам партиявий аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишда ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Айниқса мазкур институт томонидан Бўстонлик туманидаги «Семург» оромгоҳида ташкиллаштирилган 10 кунлик семинарнинг аҳамияти биз учун катта бўлди. Шаҳар партия ташкилоти

АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

сўнги икки ой мобайнида аъзоларимизнинг сони ҳам кескин ортди ва ошиб бормоқда. Депутатларнинг партиядошлар ва сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувлари йилдан-йилга самарадорлик касб этмоқда. Учрашувларда депутатлар Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида амалга ошириляётган ишлар ва қабул қилинган янги қонунлар ҳусусида иштирокчиларга ахборот бериб, аҳолининг ҳаётий муаммолари билан яқиндан танишиб, уларнинг ечимини топишга кўмаклашмоқдалар. Бу эса партиянинг ўз электорати билан алоқаларини мустақамлашга хизмат қилапти.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Мукаррам Азимова, Хайрулла Мўминов, Бахтиёр Каланходжаевлар партия мавқеини ошириш учун кўпга амалий тадбирлар уюштириш, моддий ёрдамларини ҳам аямаллар. Шу билан бирга фуқароларимизнинг муножатларини четда қолдирмасдан, уларни ижобий ҳал этиб келмоқдалар. Сайловчилар, партиядошлар бу жонқур инсонларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланганликларидан маннунлар. Бошқа депутатларимизга ҳам турли мазмундаги тақлим-мулоҳазалар, шикоятлар билан тез-тез муножат этиб туришади. Уларнинг бошчилигида тузилган жамоатчилик назорати гуруҳи қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, шаҳар фуқароларини қийнаётган муаммоларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Дарвоқе, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Хайрулла Мўминовнинг саъй-ҳаракати билан сайлов округига қарашли ҳудудда 21 миллион сўм сарфланиб, болалар йўл-йўриги очилди. Боқувчисини йўқотган бир неча оила доимий оталиққа олинди. Маҳалла кўчалари таъмирланди. Депутат Мукаррам Азимова ташаббуси билан эса 583 миллион сўмга тенг хайрия ишлари амалга оширилди.

Айтиш керак, ўтган давр мобайнида маҳаллий Кенгаш депутатларининг ақсарияти ўз ваколатларидан унумли фойдаланиб, сайловчилари ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилишди. Тошкент шаҳар партия ташкилотининг мавқеини оширишда яқиндан амалий ёрдам берган Мукаррам Азимова, Хайрулла Мўминов, Бахтиёр-

қошида ташкил этилган Хотин-қизлар клуби ва «Ёш адолатчилар» Кенгаши мунтазам равишда ўз сиёсий ўқув машғулотларини олиб бормоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, партия ташкилотининг шаҳардаги мавқеини оширишда уларнинг ҳам ўз ҳиссалари бор. «Ёш адолатчилар» Кенгаши бир қатор самарали ишларни йўлга қўйган. Масалан, уларнинг ташаббуси остида Тошкент вилоятининг Тошкент туманида «Адолат» боғи барпо этилди. Хотин-қизлар клубининг асосий фаолияти бугунга келиб 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтаётган сайловларда партиямиздан иштирок этадиган аёлларни сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлашга қаратилгандир.

Бу тадбирлар давомида барчамиз партиявий фаолиятни янада жонлантиришимиз, ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти, савияси ва таъсирчанлигини кучайтириш масаласини атрофлича кўриб чиқишимиз лозим. Қолаверса, партиянинг раҳбар кадрлар лавозимига жонқур ва фидойи номзодларни тақлим этиш, аъзолик бадалларини тўлашнинг доимий йўлга қўйиш ва партия аъзолигига ватанпарвар, эл дарди билан яшаётган, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга ошириляётган ислохотларни қўллаб-қувватловчи, партия мафқурасига бефарқ бўлмаган фаолларни жалб қилишимиз лозим.

Бу йил — сайловлар йили, ўз навбатида биз учун катта мактаб йили. Мамлакатимизнинг ҳамма сиёсий партиялари унга ўз тайёргарлик ишларини фаолаштириб бормоқдалар, номзодлар саралаб олинди, тасдиқланди, ўз сайлов кампанияларини олиб бормоқдалар. Шу боис барчамиз ушбу рақобатдан очик юз ва катта гуруҳ билан чиқишимиз учун бутун имконият ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз керак. Бу йилги сайловлар партияимизнинг кейинги беш йиллик тақдирини белгилаб беради. Шу боис барчамиз партиянинг кейинги беш йиллик фаолияти бўйича масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Сиёсий партия — бу сиёсий куч, партия аъзоларимиз ушбу сиёсий кучни ҳеч қачон йўқотмасин.

Адолат — партия номиди ҳам, ўз маъносиди ҳам ҳаётимизнинг бош мезони бўлиб қолсин.



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ВАТАН ТУЙГУСИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Рустам Саидович Қосимов 1951 йилда туғилган. «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти бош директори. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Юнусобод тумани 51-Хиёбонтепа сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.



Рустам Қосимов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия кўмитаси раиси

Маълумки, жорий йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтаётган сайловлар нафақат мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, балки, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса бугун одамларда жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликларга бўлган қизиқиш тобора ортиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги кучайиб бораётган бир пайтда сайловчилар ишончини қозониш, уларнинг орзу-умидлари, қувончу ташвишлариға мос фаолият юритиш юксак салоҳият талаб этади.

Иккинчидан, партиявий ишларни ташкил этишда ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, миллий аъноларимиз ва кадрларимизга таъйин, жамоатчилик фикрини ўрганиш, маърифий-маданий тадбирлар уюштиришда расмиётчилик, маърузабозлик каби эскирган қарашлардан воз кечиб, одамлар табиғатиға яқин, янгилашиб бораётган ижтимоий қатламға мос усуллардан фойдаланишға ҳаракат қилишимизни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Сайлов кампаниясида

Табиийки, сайловларда муносиб иштирок этиш, вакиллик органларида кўпчилик ўринини эгаллаш — асосий мақсадларимиздан экан, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам ўз фаолиятини, сиёсий тажрибасини ва ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаши, аҳоли ўртасида партия нуфузини ошириши, энг муҳими, эртага партиямиздан кўрсатилган номзодларға овоз берадиган хайрихоҳлар сафини мустаҳкамлаши, сайловларда юқори натижаларға эришишға замин яратиши лозим.

Сайлов кампаниясининг демократик тамойилларға хос ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар Ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда сайлов ҳуқуқига оид семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, иштирокчиларға зарур тавсиялар берилди. Партиянинг худудий ташкилот етакчилари ва фаоллари ҳамда номзодларнинг сиёсий, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш орқали

аъноларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанға муҳаббат ва садоқат, энг муҳими, юксак маънавий руҳида тарбиялаш партиянинг энг бирламчи вазифаларидан ҳисобланар экан, албатта бу каби эзгу ишларни амалға оширишда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёшлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» фаолларининг роли беқийсдир. Шу ўринда ёшлар билан яқиндан ишлашда уларнинг тенгқурлари салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг мақсадиға мувофиқлигини таъкидлаш жоиз. Чунки ёшлар дунёқараши ва орзу-умидларини ҳеч қим ўз тенгдошларидек чуқур англамайди. Партиянинг Тошкент шаҳар ташкилоти қошида билимдон, зукко, истеъодли ёшлар клубларини ташкил этишдан қўзланган мақсад ҳам шу.

Дарҳақиқат, кўҳна тарихимиз битикларида тарбия ўчоғи саналган маънавий қамолотға бўлган қатъий ишонч бугунги кунда яна ўз мазмун-моҳиятини тикламоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг бу ҳусусдаги фикрларини эслайлик: «Биз қомил давлат тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Қомил инсон деганда биз, аввало, онғи юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларға ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Ҳа, албатта, бу ўринда қомил инсон тарбияси билан боғлиқ барча жараёнлар қамраб олинган бўлиб, ёш авлоднинг келажак яратувчисини, жамият раҳбарининг етакчи кучи даражасиға кўтарилиши бежиз эмас.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Шундай экан, ЎзМТДП Низоми ва дастурида белгиланган аҳоли ўртасида миллий тикланиш госясини тарғибот-ташвиқот қилиш, миллий кадрларимизға бўлган улкан муҳаббат ҳиссини мустаҳкамлаш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Айниқса ҳозирги глобаллашув шароитида маънавий кураш ўта мураккаблашиб, алоҳида давлатлар, халқлар чегараларидан чиқиб бориши баробарида унинг усул ва воситалари ўзгариб ва такомиллаштириб бораётган бир пайтда, бу каби турли маънавий таъсир ва таҳдидларға фақат халқнинг бебаҳо тарихий мероси, миллий кадрларини, аъноларини, урф-одатларини ва дунёвий тафаккурдан озикланган миллий уйғоқликка даъват этувчи миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларига муножот этиш ўринли деб ўйлайман: «Ҳозир қарши фақат гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатға қарши фақат маърифат билан баҳсға кириша олиш мумкин». Президентимизнинг бу кўрсатмаларида мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш ва миллий тараққиётимизни амалға оширишимизда миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш борасида ҳар биримизнинг фидойилик кўрсатишимиз зарурлиги белгилаб берилган. Уни амалға оширишда мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланишимиз лозим бўлади.

Зеро, миллий маънавиятни таъсирли таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш йўли билан миллиятни асраш, унинг барқарор тараққиётига эришиш мумкинлиги билан ўзгаларға ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Ҳа, албатта, бу ўринда қомил инсон тарбияси билан боғлиқ барча жараёнлар қамраб олинган бўлиб, ёш авлоднинг келажак яратувчисини, жамият раҳбарининг етакчи кучи даражасиға кўтарилиши бежиз эмас.

Шундай экан, ЎзМТДП Низоми ва дастурида белгиланган аҳоли ўртасида миллий тикланиш госясини тарғибот-ташвиқот қилиш, миллий кадрларимизға бўлган улкан муҳаббат ҳиссини мустаҳкамлаш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Айниқса ҳозирги глобаллашув шароитида маънавий кураш ўта мураккаблашиб, алоҳида давлатлар, халқлар чегараларидан чиқиб бориши баробарида унинг усул ва воситалари ўзгариб ва такомиллаштириб бораётган бир пайтда, бу каби турли маънавий таъсир ва таҳдидларға фақат халқнинг бебаҳо тарихий мероси, миллий кадрларини, аъноларини, урф-одатларини ва дунёвий тафаккурдан озикланган миллий уйғоқликка даъват этувчи миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларига муножот этиш ўринли деб ўйлайман: «Ҳозир қарши фақат гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатға қарши фақат маърифат билан баҳсға кириша олиш мумкин». Президентимизнинг бу кўрсатмаларида мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш ва миллий тараққиётимизни амалға оширишимизда миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш борасида ҳар биримизнинг фидойилик кўрсатишимиз зарурлиги белгилаб берилган. Уни амалға оширишда мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланишимиз лозим бўлади.

Сайлов кампаниясининг демократик тамойилларға мос, очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашға эришиш асосий мақсадларимиздан эканлигини унутмаслиги керак.

Яхши маълумки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда тарихий давлатчилик аъноалари ва дунё тажрибаларига таъйиб демократик тамойилларни ишлаб чиқишда партиянинг ролини кучайтириш мақсадида икки сиёсий куч бирлашиб, ягона Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси юзага келди.

Таъкидлаш жоизки, сайлов кампаниясининг юқори даражада ташкил этишда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгашидан кўрсатиляётган номзодларни қўллаб-қувватлаш, улар билан яқиндан ишлаш, ишчи гуруҳлари тузиш, тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаш ҳамда сайловолди учрашувларини сайловонинг ҳуқуқий тамойилларига мос равишда ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши бўлиб ўтаётган сайловларни самарали ўтказиш мақсадида сайлов штаблари ва тарғибот гуруҳлари тузиш бўлиб, уларға тажрибали мутахассислар, партия фаоллари жалб этилган.

Бироқ айрим партия ташкилотларининг ушбу долзарб масалаларға масъулиятсизлик билан ёндошаётгани кутилаётган натижаларға салбий таъсир кўрсатишини ҳеч биримиз рад этолмаймиз. Бу каби қамчиликларни барқарор этиш учун партиянинг худудий ташкилотлари етакчиларидан белгиланган вазифаларға сергаллик ва масъулият билан ёндошиш, сайлов жараёни билан боғлиқ қонун ҳужжатлари билан ишлашда жиддий эътибор қаратишлари талаб этилмоқда.

Яккасарой туманидаги «Бону-1» деб номланган нутқида нуқсонли бор болалар учун мўлжалланган 273-махсус мактабгача таълим масканида бўлиб ўтган тadbир «Болалигим болдай ширин» деб номланди.



Мактабгача таълим муассасаларида

БОЛАЖОНЛАР ҚУВНАШДИ

рининг иқтидорини кўриб ҳавасингиз келади. Уларнинг айримлари расм чизишга қизиқшса, бошқаларининг эса шашка тўғаракларига иштиёқлари баланд. Ниятимиз битта, яъни болажонларимиз келажакда ҳеч бир нуқсонсиз бекаму кўст вояга етсинлар ва ҳалқимизнинг иқтидорли, истеъдодли, бахтиёр фарзандлари бўлиб камол топсинлар.

да болажонлар учун барча шароитлар яратилган. Рақс, жажжи чевар, расм чизиш, шашка, аэробика, каратэ, бадий гимнастика каби тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. Болаларнинг мактабга тайёрлашда ва тилидаги нуқсонларни йўқотишда малакали мутахассис логопед тарбиячилардан Зиёда Тураганова, Нигора Султонова, Санобар Эшонқўжаева, Гули Сиролжиддинова каби бир қатор хо-

сида ўтказилдиган турли хил кўнгилочар ўйинлар ҳам уларнинг онг ва тафаккурининг юксалишида, билими ва иродали бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Навбатдаги «Болалигим болдай ширин» номли тadbир ҳам катта қувонч ва шодликка йўғрилган ҳолда ўтказилди. Айниқса беозор ва такрорланмас болалиқни маҳз этувчи болажонлар чизган расмлар кўргазмаси барчага манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тadbирдан лавҳалар.
Козим Ўлмасов олган суратлар

Футбол

МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Ниҳоят футбол бўйича мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги жорий йилги мавсумга яқун ясалди.

Профессионал футбол лигасида XVIII миллий чемпионатда 16 та жамоа иштирок этди. Жорий йилда ҳам мамлакат чемпионлиги «Бунёдкор» жамоасига насиб этди. Тошкентлик рақибларнинг профессионал футбол лигасининг энг қуйи логанларини эгаллаган «Бухоро» ва «Сўғдиёна»дан 62 очко ўзиб кетиши. Эндиликда «Бухоро» ва «Сўғдиёна» жамоалари келгуси йилдан биринчи лигада тўп суришади. Ҳўш, чемпион жамоа билан энг қуйи логонани эгаллаган командалар очкоси орасида шунчалик катта фарқ бўлиши яхшими ёки... Бу ҳақдаги мулоҳазаларимизга сал кейинроқ тўхталамиз. Дарвоқе, мамлакат чемпионлиги барча учрашувлари кўтаринки руҳда ўтказди, бирор марта мағлубитга учрамади, икки учрашувда дуранг, 28 учрашувда ғалабага эришти.

танлашди, 2 та ўйинда мағлубиятга учрашди. 64 очко жамғарган пахтакорчилар «Бунёдкор»дан оз эмас, кўп эмас 22 очкога ортда қолиб кетиши. Шу сабабли ҳам «Бунёдкор» чемпионат якунлашишдан олти, етти тур илгари чемпионлиқни нақд қилиб қўйганди.

Учинчи ўрин учун кураш «Насаф», «Олмалик», «Нефтчи», «Локомотив» жамоалари ўртасида кечди. Фақат рақибларидан бироз омадлироқ бўлган «Насаф»га учинчи ўрин насиб этди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жорий йилда анча бўш ўйин намойиш этиб кам очко жамғарган «Бухоро» ва «Сўғдиёна» жамоалари профессионал футбол лигасини тарк этишди. Савол туғилдики, жорий йилги мавсум қизиқарли кечмиши? Буни мутахассислар муҳлислар баҳолашса анча адолатдан бўлади, албатта. Очиги, совринли ўринлар учун олти, етти жамоа кураш олиб боргани ихобий ҳолат. Аммо, биринчи ва иккинчи ўринда бораётган жамоаларимиз очколари орасида катта фарқ борлиги ҳали футболчимиз ривожини учун яна анча изланишлар олиб

боришни талаб этади. Албатта, «Бунёдкор» жамоасининг сермазун, чиройли ўйинлар намойиш этгани қувонarli ҳол. Бразилиялик чарм тўп устаси, футбол юлдузи Ривалдонинг жорий йилда рақиблари дарвозасини 20 мартаба ишғол этиб энг сермахул тўпурақ бўлганлиги ҳам мактовга лойиқ. Мамлакатимизнинг ёш футболчилари Ривалдоннинг тажрибасини ўзлаштира олсалар, чемпионатимиз савияси бутунгиданда кўтарилар эди. Ишонч билан айта оламизки, бизда истеъдодли, маҳоратли ёш футболчилар жуда кўп. Шу боис ҳам келажакда совринли ўринларга дарвоқе, имконияти бири-бири билан тенг жамоалар сони кўпаяди, деган умиддамиз.

Энди эътиборингизга чемпионатнинг яқуний ҳақдавилини ёзган кўламиз.

1. «Бунёдкор»	30	28	2	0	85-13	83
2. «Пахтакор»	30	18	10	2	69-16	64
3. «Насаф»	30	16	7	7	48-27	55
4. «Олмалик»	30	15	3	12	50-38	48
5. «Нефтчи»	30	14	4	12	43-38	46
6. «Локомотив»	30	11	9	10	34-40	42
7. «Андижан»	30	10	9	11	47-46	39
8. «Шўртан»	30	11	6	13	36-50	39
9. «Хоразм»	30	9	11	10	30-39	38
10. «Динamo»	30	11	5	14	44-42	38
11. «Кизилқум»	30	10	5	15	33-56	35
12. «Металлур»	30	7	10	13	36-48	31
13. «Машъал»	30	8	6	16	32-43	30
14. «Навбахор»	30	7	7	16	21-48	28
15. «Сўғдиёна»	30	6	6	18	24-65	24
16. «Бухоро»	30	6	6	18	40-59	24

Тўпурақлар: Ривалдо «Бунёдкор» — 20, А.Солиев «Бунёдкор» — 18, О.Аҳмедов «Пахтакор» — 16, Л.Солиев «Бухоро» — 15. (Ўз муҳбиримиз)

ТИХОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказилдиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. С.Раҳимов тумани СИБ томонидан, 17.08.2009й, №14132-35/24 ижро ҳужжатига асосан, С.Раҳимов тумани, Қ.Қамиш 1/3 даҳаси, 46-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 55,58 кв.м., 2 хонадан иборат бўлган, 58-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 38 392 470 сўм.

II. Юнусобод тумани СИБ томонидан, 15.09.2009й, №16298/7 ижро ҳужжатига асосан, Юнусобод тумани суд ижрочилиги бўлимида сақланаётган: 1. «ВАЗ-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН273 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 950 000 сўм. 2. «ВАЗ-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН297 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 950 000 сўм. 3. «ВАЗ-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН298 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 950 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 5 январ соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари 2010 йил 5 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 26 январ куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2009 йил 22 декабр куни соат 11:00да такроран ўтказилдиган аукцион савдосига, Суд Департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, 06.03.06й №ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжатига асосан, Тошкент ш, Ҳамза т, 3.Шам-суддинова кўчаси, 72-а-уйда сақланаётган, «Хундай Саната» русумли, д/р М44-28 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 074 424 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйилдиги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, ИФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Машҳур француз адиби, файласуфи Виктор Гюго шундай ёзган эди: «Агар тadbир жоиз бўлса, инсон умри капалак умридан ҳам қалта. Туғилмоқ, яшамоқ ва йўқлик дунёсига сингиб кетиш. Аммо аини шу қисқа учбурчакни ибрат бирлаштиради. Инсон — ибрат учун туғилади. Хатоларидан, фожиаларидан, ютуқларидан, йўқотишларидан, қувончларидан ибрат изламаган одам бўлади.»

Ақли қомиллар ҳақ гапни айтадилар. Бирок унга амал қилмайдиганлар ҳам бор. Ана шулардан бири бу йил 53 баҳорни қарши олган Ақром Ибодуллоев (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилди)дир. Унинг 30 йиллик ҳаёти панжара ортда ўтди. Бунга ўзининг билиб-билмай содир этган жиноятлари сабаб бўлди. Жумладан, судланувчи Тошкент шаҳри ва тўртта туман судлари ҳужумларида кўра беш бор турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган. Ақром Ибодуллоев юқорида содир этган жиноятларидан ва уларга тайинланган қонуний жазолардан етарли ҳулоса чиқармай, доимий равишда ўғирлик жиноятини содир этиб келган. Шу боис Қосонсой туман судининг 1998 йил 4 июль кунги аҳримида кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 1 кун жазо ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолмиш шарти билан ахлоқ тўзатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Бирок бу иттиёзлар ҳам А.Ибодуллоевнинг тўғри йўлни танлаб олишига имкон бермади. У такроран жиноят содир этди. Жиноят эса жазосиз қолмади. А.Ибодуллоев Шай-

хонтоҳур туман судининг 1998 йил 18 сентябрь кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 25, 169-моддаси 3-қисми

юқорида таъкидланган жазо турларининг атиги биттаси инсон учун тегишли ҳулоса, ибрат чиқармоққа

Хукм ўқилди
ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 7 йилга озодликдан маҳрум этилган. Аммо Амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан 2001 йил 30 октябрь куни озодликка чиқарилган. Кўрсатилган меҳр-муруватлар ҳам айбланувчининг кўзини очмади. Ўғирлик қилди. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2003 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан 6 йилга озодликдан маҳрум этилган Ақром Ибодуллоев ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

асос бўла олади. Машайхлар демашки, «Агар нодоннинг қўлига ақлнинг рўймолга туғиб берсанг, уни пушчақ пулга алмаштириб юборарди».

Ўта хавфли рецидивистнинг охири бор жиноятга, тўғирноғи, ўғирликка қўл уриши ҳам аини шу аён ҳақиқатнинг тасдиғидир. У жорий йилнинг 12 май куни Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори ёнидаги бекатда 38-йўналиш бўйича қатновчи автобуста чиқадди. Ақром Ибодуллоев мазкур жамоат транспорт воситаси Усмон Носир қўчасидаги бекатга келиб тўхтаганидан фойдаланиб, ўзи билан бирга кетаётган Алексей По-

Нафсиламбирини айтганда,

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилади.
Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» наشريёт-матбос акциядорлик компанияси босмоқдаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5